

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
 1 июлдан
 чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 70 (11.381)

Баҳоси эркин нархда

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 7 апрель куни Оқсаройда Малайзиянинг «Петронас» корпорацияси президенти Муҳаммад Ҳасан Марикан ва Жанубий Африка Республикасининг «Сасол» компанияси бош ижрочи директорлари Пэт Дэвисни қабул қилди.

Мамлакатимиз раҳбари меҳмонларни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, Ўзбекистоннинг «Петронас» ва «Сасол» компаниялари билан ҳамкорлиги ривожланиб бораётганини, қатор қўшма лойиҳалар муваффақият билан амалга оширилаётгани бунинг тасдиғи эканини таъкидлади.

Ўзбекистон Президентининг 2005 йил октябрь ойида Малайзияга давлат ташрифи чоғида «Ўзбекнефтегаз» миллий холдинги компанияси билан «Петронас» корпорацияси ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги меморандум ҳамда нефть-газ захираларини биргаликда ўрганишга оид битим имзоланган эди. Айни пайтда Орол денгизининг Ўзбекистонга қарашли худудида, Устурт платоси ва Сурхондарёда геолог сармоявий блокларида геологик тадқиқотлар олиб борилмоқда, тазаланган метан газидан синтетик суюқ ёқилғи ишлаб чиқарадиган завод қурилиши лойиҳасининг техник-иқтисодий асослари ишлаб чиқилмоқда.

Ҳамкорлик қўламини нечоғли катта экани ҳақида «Петронас»нинг Ўзбекистонга киритиладиган сармояси ҳажми қарийб 2 миллиард АҚШ долларига етиши кутилаётгани яхши тасаввур беради. «Сасол» компанияси мазкур завод қурилишида қатнашадиган учинчи томон

бўлиб, корхона асосан унинг технологиялари билан жиҳозланади.

«Петронас» трансмиллий корпорация бўлиб, 30 мамлакатда фаолият юритади. Унинг фаолият доираси кенг. Булар нефть ва газ конларини қидириш, ўзлаштириш, қайта ишлаш, нефть маҳсулотлари ва сукултирилган газ савдоси, маркетинг тадқиқотлари ўтказиш билан боғлиқ кўплаб тадбирлардир.

«Ўзбекнефтегаз» миллий холдинги компанияси билан «Петронас» корпорацияси нафақат геология-разведка ишларини ўтказиш ва муайян лойиҳалар учун техник-иқтисодий асослар ишлаб чиқиш, айни пайтда нефть-газ соҳаси учун кадрлар тайёрлашда ҳам ҳамкорлик қилади.

Жанубий Африка Республикасининг «Сасол» компанияси табиий газ ва кўмирдан синтетик ёқилғи ишлаб чиқариш технологиялари билан машхур. ЖАР худудида нефть-газ конлари йўқ, лекин тошкўмирнинг катта захиралари мавжуд. Шу тўғрисида «Сасол» кенг кўламли кимёвий тадқиқотлар ўтказиб, нафақат синтетик ёқилғи ишлаб чиқариш, балки умуман кимё соҳасида бўлган бажариладиган ишларни ортирган. Унинг ЖАРдаги заводларида тошкўмирдан кир ювиш воситалари, бўёқлар,

пардоз буюмлари, дори-дармон, кимёвий ўғитлар, катализаторлар, компакт-дисклар, кабелилар, синтетик гиламлар ҳам ишлаб чиқарилади.

«Сасол» технологиялари асосида илгари фақат автомобиллар учун синтетик ёқилғи ишлаб чиқариладиган эди. 2008 йилда компания дунёда биринчи бўлиб синтетик авиабензин ишлаб чиқариш технологиясини яратди. Бу усулда тайёрланган ёқилғи зарарли газни исбатан кам ажратиши билан ажралиб туради.

Мамлакатимизда «Петронас» ва «Сасол» билан ҳамкорликда синтетик ёқилғи ишлаб чиқарадиган завод қурилиши Ўзбекистоннинг нефть-газ саноати, жумладан, нефть кимёси соҳасидаги салоҳияти янада юксалишига хизмат қилади.

Оқсаройда бўлиб ўтган учрашувда Муҳаммад Ҳасан Марикан ва Пэт Дэвис самимий қабул учун Президентимизга миннатдорлик билдириб, «Петронас» ва «Сасол» Ўзбекистондаги сармоявий лойиҳаларда янада кенгроқ иштирок этишдан манфаатдор эканлигини таъкидладилар.

Сўхбат чоғида биргаликда амалга оширилаётган қўшма лойиҳаларга, янгиларини ишлаб чиқишга оид масалалар юзасидан фикр алмашилди.

(ЎЗА)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

«ЯГОНАСАН, МУҚАДДАС ВАТАН!» РЕСПУБЛИКА КЎРИК-ТАНЛОВИНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Барчамиз учун бир умр севиб, ардоқлаб, кўзимизга тўтиё қилиб яшайдиган муқаддас макон бўлиши она Ўзбекистонимизни улуглаш, уни кўз қорачигидек асраш, шаъну шарафини ҳимоя қилиш ва юксалтириш, шу олий мақсад йўлида фидо бўлиб яшаш каби азту туйғуларни унинг-ўсиб келаётган ёш авлод қалбига камол топтириш, Ватанга садоқат, унинг тақдири учун дахлдорлик ҳисси билан йўғрилган мазмунан теран, бадиий етуқ кўшиқлар яратишни рағбатлантириш ҳамда уларни халқимизнинг маънавий мулкига айлантириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, «Ўзбекнаво» эстрада бirlашмаси, Республика Маънавият тарғибот маркази, Ёзувчилар ва Бастакорлар уюшмалари ҳамда Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг 2009 йилдан бошлаб ҳар йили «Ягонасан, муқаддас Ватан!» республика кўрик-танловини ўтказиш ҳақидаги таклифи маъқуллансин.

2. «Ягонасан, муқаддас Ватан!» республика кўрик-танлови ташкилий қўмитасининг таркиби ва кўрик-танлов низоми 1- ва 2-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

3. «Ягонасан, муқаддас Ватан!» республика кўрик-танлови ташкилий қўмитасининг вазифаси этиб қўйилган белгилансин: Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида кўрик-танловнинг туман, шаҳар ва вилоят босқичларини ўтказиш бўйича барча ташкилий ва ижодий ишларни мувофиқлаштириш;

кўрик-танловни юқори савияда ўтказиш учун амалий ёрдам кўрсатиш, жумладан, жойларга тажрибали режиссёрлар, танкичи санъаткорлар, бастакорлар, шоирлар ва малакали мутахассисларни ижодий сафарга юбориш;

санъат оламини қириб келаётган истеъдодли ёшлар томонидан ижро этилган, ор-номус, кадр-қиммат, ғурур ва ифтихор каби олийжаноб туйғуларни тараннум этадиган, юксак гражданлик руҳидаги кўшиқларга алоҳида эътибор қаратиш.

4. Жойларда «Ягонасан, муқаддас Ватан!» кўрик-танловини тайёрлаш ва юқори савияда ўтказишни таъминлаш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ўринбосари, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг ижтимоий-иқтисодий масалалар бўйича ўринбосарлари раҳбарлигида комиссиялар тузиш вазифаси топширилсин.

5. Белгилаб қўйилсинки: кўрик-танловнинг республика якуний босқичига тайёргарлик кўриш, тарғибот қилиш ҳамда уни ўтказиш билан боғлиқ харажатлар Маданият ва спорт ишлари вазирлигига ажратиладиган маблағлар доирасида амалга оширилади;

кўрик-танлов голибларини пул мукофотлари билан тақдирлаш харажатлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг захира жамғармаси ҳисобидан қопланади.

6. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, «Ўзбекнаво» эстрада бirlашмаси тасарруфидоги ташкилотларнинг ушбу кўрик-танловнинг саралаш босқичларини ўз маблағлари ҳисобидан ўтказиши маълумот учун қабул қилинсин.

7. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйича кўрик-танловни тайёрлаш ва ўтказиш ҳамда голибларнинг республика якуний босқичида иштирок этишини таъминлаш билан боғлиқ барча харажатлар маҳаллий ҳокимликларнинг бюджетдан ташқари ва ҳомийлар маблағлари ҳисобидан амалга оширилиши белгилаб қўйилсин.

8. Тошкент шаҳар ҳокимлиги республика кўрик-танловининг якуний босқичини ўтказиш, голибларни тақдирлаш ва улар ижросидаги концерт дастурини намойиш этишда «Туркистон» саройини бепул фойдаланиш учун тақдим этсин.

9. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига кўрик-танлов тадбирларини кенг ёритиш тавсия этилсин.

10. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
 2009 йил 7 апрель

ПОЙТАХТНИНГ
 Дир кўни
 Янгиликлар, воқеалар



Кеча
 «Ўзлугуржисавдоинвест» уюшмасининг «Халқ истеъмоли товарларининг кўргазма-ярмарка савдоси республика маркази»да мамлакатимизда 2009 йилда ишлаб чиқариладиган халқ истеъмоли товарларини харид қилиш бўйича республика улгуржи савдо ярмаркаси очилди.



(Давоми 2-бетда).

Ярмаркалар

ЯНГИ ИЗЛАНИШЛАР — РАҚОБАТБАРДОШ МАҲСУЛОТЛАР НАМОЙИШИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг иқтисодийнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, маҳаллий халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқариши кенгайтириши рағбатлантириш бўйича Фармон ва Қарори ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг топшириғига мувофиқ ташкил этилган мазкур улгуржи савдо ярмаркаси 5 кун давом этиши кўзда тутилган бўлиб, иштирокчилар ўзларининг энг сўнги отқуларини, изланишлари самарасини намойиш этишмоқда. Аънаъга айланб қолган ярмаркада Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва пойтахтимизда фаолият юритаётган мулкчилик шаклидан қатъи назар товар ишлаб чиқарувчилар, хусусий тадбиркорлик субъектлари, йирик улгуржи савдо корхоналари салоҳияти яна бир бор намойён бўлади.

Кўргазма бўлимларидан «Емғойзиқор-вқатсаноат», «Ўзгўштсуммаҳсулот», «Ўзбек-сарпийабзали», «Ўзалтсаноат», «Хунарманд» уюшмалари, «Ўздонмаҳсулот» акциядорлик компанияси, «Ўзвирсаноатхолдинги», «Ўзқурилишматериаллари» компаниялари, «Ўзбек-көнгилисаноат» Давлат акциядорлик компаниясининг корхоналари ҳамда бошқа маҳаллий тизимдаги саноат корхоналари, тадбиркорлик субъектлари қатнашмоқда ва улар 200 га яқини ташкил этади.

(Давоми 2-бетда).

ҲУЖЖАТЛАР ИМЗОЛАНДИ

Мамлакатимизга ташриф буюрган Малайзиянинг «Петронас» корпорацияси президенти Муҳаммад Ҳасан Марикан ва Жанубий Африка Республикасининг «Сасол» компанияси бош ижрочи директорлари Пэт Дэвис 7 апрель куни юртимизнинг қатор вазирлик ва идораларида музокара ўтказди.

«Ўзбекнефтегаз» миллий холдинги компанияси билан «Петронас» корпорацияси ва «Сасол» компанияси ўртасида Ўзбекистон Республикасида синтетик суюқ ёқилғи ишлаб чиқариш лойиҳасини амалга оширишнинг асосий тамойиллари тўғрисидаги битим ҳамда ўзаро ҳамкорликка оид англашув меморандуми имзоланди.

— Корпорациямиз Ўзбекистон билан ҳамкорликни юксак кадрлайди, — деди Муҳаммад Ҳасан Марикан. — Ўзбекистонда яратилган қўлай сармоявий муҳит ҳамкорликда қатор янги истиқболли лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш имконини бермоқда. Биз «Ўзбекнефтегаз» миллий холдинги компанияси билан бу йўналишдаги ҳамкорликни янада кенгайтиришдан манфаатдоримиз.

(ЎЗА)

ЎЗБЕКИСТОНДА ЖАҲОН ИНҚИРОЗИ ТАЪСИРИНИ ЕНГИБ ЎТИШНИНГ АНИҚ ВА РЕАЛ ЙЎЛИ МАВЖУД

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» китобининг чет эл сиёсий, расмий ва эксперт-таҳлил доираларида, шунингдек, хорижий оммавий ахборот воситаларидаги муҳокама кенг давом этмоқда. Бир қатор давлатларда ушбу асарга бағишланган тақдирот маросимлари бўлиб ўтмоқда.

Уларда расмий, иқтисодий ва академик доиралар, халқаро ташкилотлар, дипломатия корпуси ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг китобига бағишланган тақдирот маросими Токио шаҳрида, Япония иқтисодиёт, савдо ва саноат вазирлиги (ИС-СВ)да бўлиб ўтди.

(Давоми 2-бетда).

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитасининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикасининг «Аҳолини сил касаллигидан муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонунининг Навоий вилоятидаги ижроси муҳокама этилди.

● Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати, Давлат солиқ ва боғжона қўмиталари масъул ходимлари иштирокида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг Мувофиқлаштирувчи кенгаши йиғилиши бўлиб ўтди.

● Нукусда «Сиз қонунни биласизми?» танловининг Қорақалпоғистон Республикаси босқичи ўтказилди. Унда қатнашган ўндан зиёд жамоа вакиллари ҳуқуқий соҳада тўплаган билимларини амалда кўрсатдилар.

● «Қадрият, урф-одат, аънава ва ёшлар» лойиҳаси доирасида ташкил этилган «Миллий ўйинлар» фестивалининг Наманган вилоят босқичи Қосонсойдаги «Мўғтепа» тарихий обидасида ўтказилди. Ушбу тадбирда умумтаълим мактаблари ва касб-хунар коллежлари ўқувчилари ҳамда маҳаллалардан келган ёшлар ўз иқтидорларини намойиш этдилар.

● Қорақалпоғистон Республикасининг Тахтақўпир туманида меҳнат ярмаркаси бўлиб ўтди. Унда жами 56 та корхона ва ташкилот 172 та бўш иш ўрни билан қатнашди. Тадбир давомида 161 нафар фуқаро янги иш ўринлари билан таъминланди. Уларнинг аксарият қисми касб-хунар коллежларини битирган ёшлардир.

● Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институтида «Мухтор Аvezов дўстлик ва донолик кўйисини» мавзусида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

● «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ Хоразм филиали, «Хоразм телеком» филиали ва Хоразм вилояти Матбуот тарқатувчи шўба корхоналарида жамоа шартномаларининг 2008 йилдаги ижросига бағишланган конференция ўтказилди.

● Тошкент Ислам университетиде Адлия вазирлиги ташаббуси билан ўтказилган матбуот анжумани суд қарорлари ижросини таъминлашга қаратилган қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳиятини оммавий ахборот воситаларида ёритиш мавзусига бағишланди.

● Пахтаободлик ёш тадбиркор Баҳромжон Жўраев туман марказидаги қаровсиз кинотеатр ўрнида 420 ўринли «Ёшлик» марказини бунёд этди. Марказдан қизлар ўқув маскани, компьютер савдонлиги, рус ва инглиз тили курслари ўрин олди. «Ёшлик» маскани ёнида авиа ва темирйўл кассалари, гўзаллик саломи, мини-маркет, «Автобазак» дўкони, банк филиали ва ошхоналар хизматининг йўлга қўйилиши қўшимча 30 та янги иш ўринлари яратилишига имкон берди.

ЖАҲОНДА

● Кеча АҚШ Президенти Барак Обама норасмий ташриф билан Ироққа келди. Президент Бағдодда АҚШнинг ҳарбий контингенти вакиллари билан учрашди.

● Кеча Куба давлатининг собиқ раҳбари Фидель Кастро Гаванада уч нафар америкалик қонуншунослар билан ўзаро мулоқотда бўлди.

● Кеча Грузия Президенти Михаил Саакашвили парламент ассамблеясининг альянсдаги президенти билан Грузиянинг НАТОга кириши масаласини муҳокама қилди.

● Маълумки, шу йилнинг 5 апрель куни Молдовада мамлакат парламенти сайлов бўлиб ўтган эди. Сайлов натижаларидан қониқмаган Молдова Либерал-демократик партияси аъзолари кеча Кишиневда норозилик намойишини уюштирдилар. 10 минг нафаргача киши иштирок этган намойиш қатнашчилари кўпгина биноларни вайрон қилдилар, хусусан мамлакат парламенти биносига ўт қўйдилар. Ушбу қалтис вазият муносабати билан мамлакат президенти Владимир Воронин Фарб давлатларидан мавжуд ҳолатни барқарорлаштиришда ёрдам сўради.

● Кеча Италия марказида яна бир бор ер қимирлаши оқибатида бир киши ҳаётдан кўз юмди. Шу тариқа зилзила қурбонларининг сони 235 нафарга етди. Мамлакат Бош вазири Сильвио Берлускони зилзила оқибатларини бартараф этиш учун ҳукумат 30 миллион евро миқдориде маблағ ажратганини маълум қилди. Ҳозирча Италия ҳукумати халқаро ёрдамни рад этмоқда. Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра зилзила натижасида Италия 1,5 миллиард евролик зарар кўрган.

● АҚШда 27 мартдан 3 апрелга қадар нефтнинг тижорат захиралари 6,9 миллион баррелга ошди.

● Канада ҳукумати мамлакат автомобиль саноатини қўллаб-қувватлаш мақсадида 185 миллион доллар миқдориде маблағ ажратишга қарор қилди.

● Астрономлар галактикалар оралиғида жуда катта фазовий бўшлиқ мавжудлигини аниқлашди. Маълум бўлишича, унинг ҳажми 3,5 миллиард ёруғлик йилига тенг. Ушбу янгилик «Олти даражали ҳудуд» деб номланган йирик галактика тадқиқотлари доирасида маълум бўлди.

9 апрель — Амир Темур таваллуд топган кун

СОҲИБҚИРОН — ХАЛҚИМИЗ БҮЮКЛИГИНИНГ ТИМСОЛИДИР

Халқимизда вақт оқар дарё деган нақл бор. Бу гап бежиз эмас албатта. Бундан 13 йил аввал буюк бобокалонимиз Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги кенг нишонланиб, тикланган тарихий ҳақиқат тантанасининг шоҳиди бўлган эдик.



Мустақил давлатимизнинг музазам пойтахти Тошкент марказида Амир Темур номи билан аталувчи гўзал хиёбон ёнида шонли сана муносабати билан Соҳибқирон бобомиз ва унинг шавкатли авлодлари ҳаёти...

фидокорона меҳнат қилдилар. Натижада буюк бунёдкор, илм-фан, санъат ҳомийси Амир Темур салтанатининг шуқуҳига мос келадиган маҳобатли меъморчилик обидаси бунёд этилди.

зимлигини ҳам англаб етамиз. Музейнинг ташкил этилганга 12 йил тўлган бўлса, унга ташриф буюрувчилар сони қарийб бир ярим миллионга етди. Музейга ташриф буюрувчилар орасида мамлакатимизнинг ўқувчи-ю, талабаси...

лакатимиздаги Амир Темур номи билан, унинг буюк фаолияти билан боғлиқ масканларимизнинг барчаси бугунги кунга келиб илмий асосда ўрганилиб, рўйхатга олинган...

кўплаб масжидлар, мадрасалар билан, осмонўпар миноралар қад кўтарган. Амир Темур ўзга юртлар ва ерларни забт этишнинг мақсад қилиб олган ҳукмдор эмас, балки у бу юришлари билан Осиё китъасидаги куруқлик ва сувликдаги савдо-сотиқ йўллари бирлаштириш, уларни ўз назоратида олишга ҳаракат қилди.



Яқинда Учтепа туманидаги Миллий ҳунармандчилик касб-ҳунар коллежида «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» давлат дастури ҳамда Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги муносабати билан «Менинг орзу-истакларим» мавзусида ижодий ишлар кўргазмаси ва иншола ташлови бўлиб ўтди.

Танловлар СЎЗАЛАР ВА РАНГЛАР ЖИЛОСИ

Танловда 625 нафар ўқувчилар иштирок этиб, шундан 277 нафари ўзи яратган ижод намуналари билан катнашиб кўрикнинг мазмунли ва кўтаринки руҳда ўтишини таъминлаб берди.

Ўқув масканимизда кўплаб иқтидорли ўқувчилар тахсил оладилар, — дейди Миллий ҳунармандчилик касб-ҳунар коллежи директори Шўҳрат Иноятов биз билан сўхбатда.

сад эса, коллежимиздаги иқтидорли ўқувчиларнинг ижодига яна бир бор теранроқ нигоҳ ташлаш, уларнинг орасидан энг сараларини танлаб олиш, касбларига бўлган меҳрини янада шакллантириш, ўзларига бўлган ишончларини мустаҳкамлашдан иборатдир. Бинобарин келажаги порлоқ ёшларимизнинг иқтидорли, илмли бўлиб камолга етишлари учун ўқитувчилар бир тану, бир жон бўлиб бор билим ва маҳоратини ишга солиб меҳр билан иш олиб боришлари жоиздир.



Танлов доирасида коллеж ўқувчилари ижросида ширали куй ва қўшиқлар ҳам янграб иштирокчиларга рағбат бағишлаб турди. 3 босқич ўқувчиси Вазира Салоҳиддинвановнинг нозик дид билан яратган «Обод маҳаллам» деб номланган макет кўришни эса барча иштирокчиларнинг диққатини ўзига жалб этди. Танлов натижаларига кўра, 625 нафар ўқувчилар 10 нафари голиб деб топилди. Энг чиройли ва мазмунли чирилган расм учун 3-босқич ўқувчиси Хасан Фатхуллаевга биринчи ўрин насиб этди, иккинчи ўрин Саодат Раҳимовага, учинчи ўрин Босит Ёқулжоновга берилди.

Иншола бўйича эса, биринчи ўринни, Лобар Саторрова эгаллаган бўлса, қолган совинли ўринлар Хадича Зиёвдиннова ва Саид Умаровларга насиб этди. Ғолиблар коллеж маъмурияти томонидан Фаҳрий ёрлик, эсдалик совагалари, китоблар ва ўқув куроллари билан таърирланди.

Танловдан лавҳалар

Анжуманда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва пойтахтимиздаги педагог ходимлари қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти ректорлари, таълимнинг барча бўғини раҳбарлари, ўқитувчилар иштирок этди.

2009 — Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили ПЕДАГОГЛАР МАЛАКАСINI ОШИРИШГА ЭЪТИБОР

Мамактаки Президентимиз Исом Каримов раҳнамоллигида ёш авлодга таълим-тарбия беришнинг замонавий технологияларга асосланган, айна пайтда миллий анъаналаримизни ўзида муҳасам этган мустаҳкам тизими йўлга қўйилди. Барча соҳалар учун малакали, пухта билимли, рақобатбардош мутахассисларни тайёрлаш, таълим тизимини тубдан ислох этиш, навқирон авлодга билим беришдек масъулиятли жараённи сифат ва мазмун жиҳатдан янги босқичга кўтариш давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бири этиб белгилангани

Абдулла Авлоний номидаги Халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш марказий институтида қишлоқ жойлардаги мактаблар ўқитувчилари малакасини ошириш ва қайта тайёрлашда замонавий педагогик технологиялардан фойдаланишга бағишланган республика илмий-амалий конференцияси бўлиб ўтди. Тадбир Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази ҳамкорлигида ташкил этилди.

Конференцияда ушбу ҳужжатлар ҳамда «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастурида юртимизнинг барча гўшаларида, айниқса қишлоқларда замонавий умумтаълим мактабларини бунёд этиш, ўқув, техника ва лаборатория жиҳозлари, дарсликлар, ўқув адабиётлари, услубий қўлланмалар билан таъминлаш, ўқитувчиларнинг касб малакасини ошириш мумкин вази-фардан бири сифатида белгилангани таъкидланди.

Туманларда САХОВАТДАН ДИЛЛАР ЯЙРАДИ



Кўклам нафаси кўнгилларга илиқлик улашайтган айни чоғларда юрагида саховат ва меҳр жўш урган маҳалла фаоллари фаҳрийлар, кекса ёшдаги кўни-кўшиллар, ижтимоий жиҳатдан кўмакка муҳтож аҳоли қатлами вакиллари, жисмоний имконияти чекланган кишилар ҳолидан хабар олиб, уларга баҳорий кайфият улашишдек эзгу ишларда давом этмоқдалар.



Ана шундай асрий кадриятларимизнинг бугунги кундаги давомий ҳисобланган тадбирлардан бири Юнусобод туманидаги «Чочена» маҳалласидаги «Фарух Файз» қаҳвахонасида бўлиб ўтди. Унда маҳалла фуқаролар йиғини раиси Ойбек Ҳакимов, маҳалла котиби Комил Каримов, хотин-қизлар комиссияси раиси Рихси Тўхтаева, маҳалла профилактика нозирни, катта лейтенант Рашид Муқимовлар сўзга чиқишиб, истиклол йилларида маҳалла тизимига берилётган юксак эътиборнинг таъсири ўлароқ амалга оширилётган ишлар кўлами ҳақида атрафлича тўхталиб ўтилди.

Бинобарин, кеча давомида дастурхонга баҳор таомлари тортилди. Мактабнинг иқтидорли ўқувчилари томонидан театрлаштирилган томошалар, эстрада хонандаси Меҳрибонунинг она Ватан, кўклам завқини тараннум этадиган ижралари, «Файз» гуруҳининг дилтортар наволари йиғилганларга хуш кайфият улашди.

Хидирали ПАНЖИЕВ СУРАТЛАРДА: ТАБИРДАН ЛАВҲАЛАР ЗУХРА МУСТАҚИМОВА ОЛГАН СУРАТЛАР

дан ўқитиш, семинар-тренинглр ташкил этиш каби жиҳатларга катта эътибор қаратилмоқда, — дейди Абдулла Авлоний номидаги Халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш марказий институтининг проректори Нилуфар Йўлдошева. — Бу эса қишлоқ мактабларида оид янги маълумотлар билан таъминлаш ҳамда билимини мутасил бойитишга хизмат қилмоқда.

Конференцияда мактабларда илгор педагогик технологиялардан фойдаланиш, ўқитувчиларини қайта тайёрлаш ва малакасини оширишда педагогик таълим жараёнини лойиҳалаштириш каби мавзударда маърузалар тинглангани муҳоқама этилди. Назоқат УСМОҶОВА, ЎЗА МУҲБИРИ

Сўранг, жавоб берамиз

Савол: — Қандай шахслар ўртасида никоҳ тузишга йўл қўйилмайди? Иккинчи саволим ҳам шунга яқин, яъни никоҳланувчи шахслар баъзан таниш-билишчилик орқали тиббий кўриқдан ўтмасдан ҳужжат тўғриллаб олишади. Аслида қонунда қандай бўлиши керак?

Алижон Собиров, Қўйлик даҳаси. Жавоб: — Ҳаётда никоҳ тузишга монелик қиладиган ҳолатлар мавжуд. Чунончи, локал биттаси рўйхатга олинган бошқа никоҳда турган шахслар ўртасида;

насл-насаб шаҳараси бўйича тўғри туташган қариндошлар ўртасида, туғишган ва ўғай ака-укалар билан опа-сингиллар ўртасида, шунингдек фарзандликка олувчилар билан фарзандликка олинганлар ўртасида;

лоқақл биттаси руҳият бузилиши (руҳий касаллиги ёки ақлан заифлиги) сабабли суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган шахслар ўртасида никоҳ тузишга йўл қўйилмайди.

Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган қонуни билан тасдиқланган Оила кодекси 17-моддасининг янги таҳрирдаги матнида шундай дейилади:

Никоҳланувчи шахслар давлат соғлиқни сақлаш тизими муассасаларида бепул асосда тиббий кўриқдан ўтадилар. Тиббий кўриқдан ўтиш ҳажми ва тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Таниш-билишчилик билан ҳужжат тўғриллаб олиш гаёриқонунийдир.

Савол: — Идора ёки бирон ташкилотга қарашли турар-жойларда яшовчи фуқаролар қандай ҳолларда бошқа жойга кўчирилиши мумкин?

Санобар Қаршиева, Сергели тумани. Жавоб: — Саволингизга Уй-жой кодексининг 71-моддасига суянган ҳолда қуйидагича жавоб бериш мумкин:

агар турар жой жойлашган уй бузилиши лозим бўлса; турар жой белгиланган тартибда авария ҳолатида ёки яшаш учун яроқсиз деб топилган бўлса; турар жой яшаш учун мўлжалланмаган жойга ўтказилаётган бўлса.

Турар жойлар жойлашган муниципал, идоравий ва аниқ мақсадли коммунал уй-жой фондларининг уйи давлат ёки жамоат эҳтиёжлари учун ер участкаси ажратилиши муносабати билан бузилиши керак бўлса ёхуд турар жой яшаш учун мўлжалланмаган жойга ўтказилиши лозим бўлса, ушбу жойдан кўчирилаётган фуқароларга бошқа обод турар жой берилди.

Агар турар жой авария ҳолатида ёки яшаш учун яроқсиз деб топилган бўлса, ушбу жойдан кўчирилаётган фуқароларга маҳаллий давлат ҳокимияти органи қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бошқа обод турар жой беради. Бунда янги турар жой аввалгисидан кичик бўлмаслиги керак.

Агар ижарага олувчи ортиқча уй-жой майдонига эга бўлган бўлса, турар жой бир киши ҳисобига уй-жой майдонининг белгиланган ижтимоий нормасидан кам бўлмаган ҳажмда, қўшимча уй-жой майдони олиш ҳуқуқига эга бўлган ва амалда ундан фойдаланиб келган ижарага олувчиға ёки унинг оила аъзоларига — қўшимча уй-жой майдони нормаси ҳисобга олинган ҳолда берилди.

Кўчирилаётган шахсга берилаётган турар жой ижарага олувчини кўчириш тўғрисидаги суд қароридан, маъмурий тартибда кўчирилаётган эса, прокурор қароридан кўрсатилган бўлиши шарт.

Савол: — Агар вояга етмаган ўсмирнинг соғлиғига шикаст етказилса ушбу зарарнинг ўрнини қим қоплаши керак?

Камола Ҳолматова, Юнусобод мавзеси.

Жавоб: — Ўн тўрт ёшга тўлмаган ва иш ҳақи (даромад) олмайдиган вояга етмаган шахс майиб бўлиб қолган ёки соғлиғига бошқача тарзда шикаст етказилган тақдирда зарар етказилганлиги учун жавобгар шахс соғлиққа шикаст етказилиши туфайли қилинган харажатларнинг ўрнини қоплаши шарт.

Жабрланувчи ўн тўрт ёшга тўлганда, шунингдек, ўн тўртдан ўн саккиз ёшга тўлган иш ҳақи (даромад) олмайдиган вояга етмаган шахсга зарар етказилган тақдирда, етказилган зарар учун жавобгар шахс жабрланувчиға соғлиққа шикаст етказилиши туфайли қилинган харажатлардан ташқари, шунингдек, унинг меҳнат қобилияти йўқотилганлиги ёки камайганлиги билан боғлиқ зарарни қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам иш ҳақининг беш баробари миқдоридан келиб чиқиб, қоплаши шарт.

Агар вояга етмаган шахс соғлиғига шикаст етказилганига қадар иш ҳақи (даромад)га эга бўлган бўлса, унда зарар ушбу иш ҳақи (даромад) миқдоридан келиб чиқиб, аммо қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам иш ҳақининг беш баробаридан кам бўлмаган миқдорда тўланади.

Соғлиғига илгари шикаст етказилган вояга етмаган шахс меҳнат фаолияти бошланганидан сўнг зарар учун тўланаётган ҳақни у оладиган иш ҳақи (даромад) ёхуд унга лавозими бўйича белгиланган ҳақ миқдоридан ёки у ишлаётган жойдаги айна шундай малакадаги ходимнинг иш ҳақи (даромади) миқдоридан келиб чиқиб, қўпайтиришни талаб қилишга ҳақли.

Иқром ИСМОИЛОВ, ҳуқуқшунос



МАШРИҚЗАМИН — ХИКМАТ БЎСТОНИ
ХИКМАТЛАР

Эйки гафлат тандирин тутдинг макон,
Аввал-охир мақсадинг бир бурда нон.

Не эрур кўз ёши, дил асроридир,
Ютса асрорин кўнгил, зангоридир.

Кимки ҳар дам этса бедор ўзни ул,
Тонг эмас, тупроққа сургай юзни ул.

Эр бўлиб ул ўзни этгай хоксор,
Айлағай афтодаларга эътибор.

Бандаликдин яхшироқ йўқдир мақом.

Бандалик қил, ўзга даъво истама,
Марди ҳақ бўл, иззату жоҳ истама.

Бу хусуматлар кўнгилнинг жаҳлидин.

Гар эсанг асрори ишққа мубтало,
Юз ўғирма келса ҳамки юз бало.

Лек уни беҳуда даъво айлама,
Ўзни бу майдонда расво айлама...

Улки жон жононга бермас ишқ аро,
Лофи ишқ урмоқ анга айбу гуноҳ.

Нафсим — душманам.

Гар бировлар мақтаса ёлгондакам,
Шод бўлур нафсинг ўшал ёлгонданам.

Битта ёлгондин семирса шунчалар,
Айт, қачон ул кўппагинг одам бўлар?

Гафлат ичра айласанг умринг баасар,
Бесамарлик сенга бўлмасму самар?

Барчамиз шу нафси кофир тутқуни,
Парвариллаб, ичда асрармиз уни.

Кимки ўзни мақтагай, огоҳ эмас.

Чўзма кўл мулкига асло, эй киши,
Бўлмағай сен бирла шайтоннинг иши...

Ҳирси дунёга гирифторсен мудом,
Бошинга тупроқки, мурдорсен мудом.

Эй оламда чўзилган неча бор,
Тобланиб, ипдек узилган неча бор,

Баски бир кун тарк этарсен барчасин,
Мунча тутдинг сен жаҳоннинг риштасин?

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлади

Танловлар

ҚАДРИЯТ, УРФ – ОДАТ, АНЪАНА ВА ЁШЛАР

Айни кунларда юртимиз узра қадимий ва миллий байрамларимиздан бири бўлган Наврўзи олам нашидаси кезиб кўнгилларга ажиб илиқлик ва меҳр-оқибат ҳисларини улашиб юрибди.

Ёшларнинг юрак тафти ва шижоатини тараннум этувчи тадбирларни мунтазам ўтказиб кутуб-баракка айёмини муносиб кутиб олишга ҳисса қўшиб келаётган «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар бўлими Кенгаши томонидан ҳам мана бир неча йилдирки анъанавий тарзда «Қадрият, урф-одат, анъана ва ёшлар» лойиҳаси доирасида чиройли байрам фестивали пойтахт ёшлари ўртасида ўтказиб келинади.

Бу йил ҳам ушбу анъанадан чекинмаган ҳолда ёшларни маънавий баркамол, соғлом турмуш тарзи талаблари асосида тарбиялаш, бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш, улар қалбиди миллий гоё, ўз миллий урф-одат, анъаналарга меҳр-садоқат туйғуларини шакллантириш ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати фаоллари ва туманлар ёшларини ушбу байрам билан кутлаш мақсадида юқори кўтаринкиликда ушбу фестивал бўлиб ўтди.

Ҳаётда қизиқарли ва таассурот-

ларга бой тарзда ўтган фестивалда қатнашчилар «Миллий либос», «Миллий қадрият, урф-одат», «Хуш келибсиз, хурматли меҳмон» каби бир қатор шартлар бўйича беллашиб куч ва имкониятлари, билим ва малакаларини амалда намойиш этдилар.

Қатнашчиларнинг қўллаб-қувватлаши билан кўтаринки руҳда ўтган танловда олий ўрин «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар бўлими Кенгаши сардорларига насиб этди. Биринчи ўринни эса Собир Раҳимов тумани, иккинчи ўринни Ҳамза тумани, учинчи ўринни Мирзо Улуғбек тумани сардорлари забт этдилар. Бундан ташқари турли номинациялар бўйича ҳам ғолиблар аниқланиб эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

— Юртимизга гўзал ва фусункор баҳор кириб келиши билан байрамлар байрамларга уланади,— дейди меҳмонларни кутиб олаётган «Камолот» ЕИХ Тошкент шаҳар Кенгаши матбуот хизмати ходими Нилуфар Каримхужаева.— Биз ҳам яшариш ва янги-

ланиш, меҳр-оқибат, тинчлик ва эзгулик айёмини ёшлар билан бирга кутиб олиш учун ҳар йили ушбу фестивални ўтказиб келамиз. Иштирокчилар сафининг ортиб бориши, танловга астойдил тайёргарлик кўрилиши, чиройли байрам дастурхонини ўзлари тайёрлаб тузашлари, сеvimли баҳор таомларидан бўлмиш сумалакни пиширишдаги таассуротларнинг барчасидан кўриниб турибдики «камолот»чилар ушбу байрамни соғиниб кутадилар. Мақсадимиз ҳам ёшларга хуш кайфият улашиш, иш ва ўқушларида омад, янги-янги ютуқларга эришишларига тилак билдиришдир.

Тадбир давомида эстрада хонандалари ижросида янраган шўх тарона, қувноқ куй ва кўшиқлар кечага янада файз бағишлаб барчани даврага чорлади.

Шоира МУҲАМЕДОВА СУРАТЛАРДА: «Камолот» ЕИХ Тошкент шаҳар Кенгаши томонидан ўтказилган «Қадрият, урф-одат, анъана ва ёшлар» фестивалидан лавҳалар



Тадбиркорлик, бошқача айтганимизда халқ эҳтиёжиди муҳим маҳсулотларни ўз вақтида ва керакли микдорда етказиб бера оладиган, эртангигина эмас, узоқ келажакни ўйлаб иш кўрувчи, омилкор фаолият олиб боровчи кишиларнинг янада баракали меҳнат қилишлари учун давлат томонидан амалий ёрдам кўрсатилаётганига эса ҳар соҳада юксалишлар бўлишига олиб келаётди. Буни 2008 йилги фаолият давомидаги ўзгаришлар миқёсида кўриш мумкин. Жумладан, ҳукумат қарорларида белгиланганидек, хўжалик юритувчи субъектларнинг солиқ юкни янада камайтириш, микрофирма ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўловини 10 фоиздан 8 фоизга, 2009 йилдан бошлаб эса 7 фоизга туширилиши, жисмоний шахслардан олинган даромад солиғи ставкаларининг камайтирилиши кичик ва хусусий бизнесни изчил ривожлантиришда муҳим омиллардан бири бўлиб қолди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва унинг тизимини тақомиллаштириш чора-тадбирларни тўғрисида»ги Фармонида кўзда тутилган барча вазифа ва топши-

риқлар ижросини таъминлаш юзасидан ўтган давр мобайнида амалга оширилган ишлар якунлари, 2008 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш юзасидан бажарилган ишлар якунлари ҳамда 2009 — Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилига мўлжалланган иқтисодий дастурнинг ус-

монидан тадбиркорлик билан шуғулланувчи жисмоний ва юридик шахсларга ёрдам берувчи бир қанча тадбирлар амалга оширилди. Жумладан хўжалик юритувчи субъектларни текшириш йўналишидаги тадбирлар кейинги уч йил ичида 32,6 фоизга камайтирилиб, улар фаолиятига ижобий таъсир этадиган

ташкил этилиб, амалдаги қонун ҳужжатлари талаблари юзасидан тушунтириш ишлари олиб борилади. Бу ўз навбатида яхши натижалар бермоқда. Айни пайтда ўтказилган рейд-текширувлар ёки ёнги хавфсизлиги қоидалари тарғиботига оид учрашувлар ва суҳбатларда ёнги хавфсизлиги қоидаларини билмаслик

ҳаммининг ва ҳар бир кишининг фуқаролик бурчидир. Шундай бўлган, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида фаолият юритаётган жисмоний шахсларга ёрдам берган ҳолда уларнинг мулкларини ёнги қонунлардан муҳофаза қилиш, хўжалик юритувчи субъектларда ёнги олиб келувчи ҳолатларга йўл

«01»

ТАРҒИБОТ ИШЛАРИНИНГ НАТИЖАЛАРИ

МАМЛАКАТИМИЗ ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИНИНГ ҚОН ТОМИРЛАРИДАН БИРИ БЎЛМИШ ИҚТИСОДИЙ ЗАҲИРАЛАРНИ БОЙИТИШ ВА КЎПАЙТИРИШ, САВДО-САНОАТ ҲАМДА ТАШҚИ БОЗОРГА СИФАТЛИ МАҲСУЛОТЛАР ЕТКАЗИБ БЕРИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА ТАДБИРКОРЛИК МУҲИМ ЎРИН ТУТАЁТГАНЛИГИ БУГУНГИ КУН ТУРМУШ ТАРЗИМИЗДА ЯҚҚОЛ КЎЗГА ТАШЛАНИБ ТУРИБДИ.

тувор йўналишларига бағишлаб Республика Вазирлар Маҳкамасида бўлиб ўтган мажлисда хўжалик юритувчи субъектларни текширишлар сонини камида яна 30 фоизга камайтириш масаласининг кўриб чиқилганлиги ҳам соҳага нисбатан давлат миқёсидаги эътибордан далолатдир. Ўтган давр мобайнида Давлат ёнги нazorати идоралари ходимлари то-

тарғибот ишлари салмоғи оширилди. Масалан, хўжалик юритувчи субъектлар иш олиб бораётган масканларда ёнги хавфсизлигини таъминлаш ва ёнги нazorатнинг олдини олиш мақсадида республика ва маҳаллий оммавий ахборот воситалари орқали чиқишлар қилинди, ёнги хавфсизлиги қоидаларини тарғиб этувчи икки юздан ортиқ кўргазмали стендлар

ёки билса ҳам уларга амал қилмаслик, ёнги олиб келувчи омилларга йўл қўйиш ҳоллари ҳамон сақланиб қолганини аён бўлдики, бу Давлат ёнги нazorати хизмати ходимларини янада масъулият билан иш олиб боришга ундайди. Бошқа соҳаларда бўлган каби ёнги хавфсизлиги тизимидаги қонун қоидаларга амал қилиш

кўймаслик чораларини кўриб бориш муҳимдир. Ёнги нazorатнинг олдини олишга қаратилган фаолият мезонини кенг. Бунда хўжалик юритувчи субъектларни текшириш асосида улар фаолиятини тўхта-тиб қўйиш ёки уларга босим ўтказиш эмас, балки улар фаолиятини янада такомиллаштиришга кўмаклашиш асосий мақсадлардан бири эканлиги-

ни ҳеч бир киши унутмаслиги лозим. Албатта, хўжалик юритувчи субъектларни текширишни вилоят, шаҳар ва туман ёнги хавфсизлиги бошқармалари муҳандис ва инспекторлари таркибига мансуб, амалдаги меъёрий ва қонун ҳужжатларини билиш юзасидан синовдан ўтиб, текшириш ўтказиш ҳуқуқини берувчи гувоҳнома олган ходимлар амалга оширадилар. Назорат қилувчи органнинг текширишларни амалга оширишни мувофиқлаштириш режаси ёки дастури асосида текшириш мақсади, текширувчи мансабдор шахслар таркиби ва текшириш ўтказиш мuddатлари кўрсатилган ҳолда чиқарилган буйруғи бўлиши шарт ва уни маскан раҳбарига белгиланган тартибда тилқат асосида топшириши лозим. Агар мазкур тартибга зид хатти-ҳаракатлар содир бўлса, бу ҳақда ЎЗР ИИВ Ёнги хавфсизлиги бош бошқармасининг қуйидаги ишонч телефонларига кўнгирик қилиб, Давлат ёнги нazorати ходимларига бу ҳақда хабар беришингиз мумкин: 234-58-36, 234-55-93.

Улуғбек ВАФОЕВ, Ёнги хавфсизлиги Бош бошқармаси муҳандиси, катта лейтенант

Футбол

«Бунёдкор»нинг дадил одими

Мамлакат XVIII миллий чемпионати профессионал футбол лигаси жамоаларининг 4-тур беллашувларида пойтахт шарафини ҳимоя қилаётган «Локомотив» — «Бунёдкор» командалари ўзаро куч синашишди.

Шуни таъкидлаш жоизки, аввалги турларда икки галаба ва битта дуранг натижа қайд этиб мутахассислар мухлисларда илиқ таассурот қолдираётган «Локомотив» жамоасидан кўпчилик бу сафар ҳам кутилмаган натижа кутгани аниқ. Чунки аввалги учрашувда чемпионликка даъвогар «Пахтакор» жамоасига қарши ажойиб ўйин намойиш эта олган темирйўлчилар якунда 1:1 ҳисобидаги дурангга эришишганди. Аммо, бу сафар хоризлик тажрибали чарм тўп усталарини ўзида жамлаган амалдаги чемпион «Бунёдкор» майдон эгаларидан маҳорат бобида анча устун эканлигини намойиш этди. Тўғри, темирйўлчилар ҳам чемпион жамоага муносиб қаршилик кўрсатишга ҳаракат қилишди, меҳмонлар дарвозаси олдида бир неча марта хавфли вазиятларни содир этишди. Бироқ тажрибасизлик панд бериб «Локомотив» футболчилари рақиб дарвозасини ишғол эта олишмади. Футболда «Сен гол урмасанг, сенга уришди» деган нақл бор. Ушбу нақл яна исботланди. Биринчи бўлимда Жоа Виктор, иккинчи бўлимда Анвар Солиев томонидан мезонлар дарвозасининг икки марта ишғол этилиши учрашувнинг 0:2 ҳисобида меҳмонлар фойдасига ҳал бўлишини таъминлади.

Қолган беллашувларда қуйидаги натижалар қайд этилди: «Машъал» — «Нефчи» — 1:2, «Хоразм» — «Кизилқум» — 2:0, «Олмалик» — «Динамо» — 1:0, «Шўртан» — «Сўғдиёна» — 2:1, «Бухоро» — «Металлург» — 0:0, «Андижон» — «Навбахор» — 1:1. Дарвоқе, «Пахтакор» — «Насаф» жамоалари учрашуви маълум сабабларга кўра 29 апрелда бўлиб ўтди.

Мамлакат XVIII миллий чемпионатининг 5-тур баҳслари 11, 12 апрель кунлари ўтказилади.

(Ўз мухбириимиз)

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

Тошкент шаҳар Хўжалик судининг 2009 йил 24 мартдаги ҳал қилув қарорларига асосан тугатилган корхоналар рўйхати

№	Корхона номи	Мақом	СТИР	Рўйхатга олинган қарор санаси ва рақами	ХТҲТ (ОКПО)	Хўжалик судининг қарори рақами ва санаси
1	LOKO-TRANS	МЧЖ	206101995	13.02.06 001349-03	20660782	10-0907/2990 24.03.09
2	INFORM BYURO	МЧЖ	300532968	06.08.07 002698-03	22015999	10-0907/2991 24.03.09
3	ALTAIR STROY SERVIS	МЧЖ	206493439	01.05.06 001491-03	20811829	10-0907/2992 24.03.09
4	TAKLOG MULTICARGO TASHKENT	МЧЖ	206937643	06.11.07 002857-03	22198178	10-0907/2993 24.03.09
5	OMEGA SPORT	ХК	300746470	05.03.08 003090-03	22321621	10-0907/2994 24.03.09
6	OMONAT USTA	МЧЖ	206935488	16.10.07 002813-03	22197405	10-0907/2995 24.03.09
7	TSIN-SYAN MIN SHIN	МЧЖ	300808424	21.04.08 003189-03	22415380	10-0907/2996 24.03.09

Мазкур корхоналарнинг таъсис ҳужжатлари, давлат рўйхатидан ўтганлик ҳақидаги гувоҳномалари, думалоқ муҳр ва бурчак штамплари, шунингдек белгиланган тартибда давлат архивга топширилиши лозим бўлган бошқа ҳужжатлари бекор қилинади. Кредиторлар икки ой мобайнида Тошкент шаҳри Нукус кўчаси 18-уй Миробод туман коимлиги Корхоналарни тугатиш димий ишловчи махсус комиссиясига мурожаат қилишлари мумкин.

Тошкент шаҳар Хўжалик судининг 2009 йил 24 мартдаги ҳал қилув қарорларига асосан БАНКРОТ деб топилган ҳамда уларга нисбатан тугатишга доир ишлар бошланган корхоналар рўйхати

№	Корхона номи	Мақом	СТИР	Рўйхатга олинган қарор санаси ва рақами	КТҲТ (ОКПО)	Хўжалик судининг «БАНКРОТ» деб топилган қарор рақами ва санаси	Тугатиш бошқарувчиси
1	FARGO BUILDING SERVIS	МЧЖ	206941419	14.12.07 002930-03	22219684	10-0913/3480 24.03.09	С.Р. Абдураҳимов
2	BILD UNIVERSAL	МЧЖ	300787666	02.04.08 003142-03	22321986	10-0913/3562 24.03.09	С.Р. Абдураҳимов
3	SOGLOM NUR	ШК	203180102	22.03.00 294	17638066	10-0913/3563 24.03.09	С.Р. Абдураҳимов
4	APEX-TRADE-INVEST	МЧЖ	206675622	26.06.06 001634-03	21311106	10-0913/3564 24.03.09	С.Р. Абдураҳимов

Мазкур корхоналарнинг таъсис ҳужжатлари, давлат рўйхатидан ўтганлик ҳақидаги гувоҳномалари, думалоқ муҳр ва бурчак штамплари, шунингдек белгиланган тартибда давлат архивга топширилиши лозим бўлган бошқа ҳужжатлари бекор қилинади. Кредиторлар йиғилиши 2009 йил 17 апрелда ўтказилади. Банкротликка оид тугатиш ишлари давом этмоқда. Кредиторлар давлолари эълон қилган кундан бошлаб 1 ой мuddат ичида қуйидаги манзилда қабул қилинади: Тошкент шаҳри, Нукус кўчаси, 23а-уй, 607-хона.

Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ
Манзилимиз: 100029,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКМИЛИГИ
Буюртма Г-306

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонар: 233-28-95,
236-57-65. факс: (3712) 233-21-56.
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба
ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563

ISSN 2010-9229

Газета Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот
бошқармасида 02-1-рақам
билан рўйхатга олинган.

Ҳажми — 2 бома табоқ,
офсет усулида босилади.
3824 нускада босилади.
Қоғоз бичими А-2

Нашри етказиб бериш масалалари буйича турар жойлардаги почта бўлиmlарига ёки «Тошкент почтамитига» — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшомининг» компьютер марказида терилди ва саҳифаланган.

«Шарқ» нашрийёт-матбаа акциядорлик компанияси бошқармаси. Корхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41-уй.

2 5 6

Тошчирилган вақти: 13.36